

## INTERESTING PROBLEMS AND GAME TECHNIQUES IN DRAWING



**Sh. Tursunov**

**Letter. teacher(NamMKI)**

**M. Umataliev**

**Secretary teacher(NamMKI)**

### **Annotation:**

The main task of drawing is to develop students in all aspects of consciousness, to bring them to technical thinking, to help them to understand the spatial imagination, the scientific study of nature and its perception through technical exhibitions, graphic problems.

### **Keywords:**

Drawing, technical thinking, spatial imagination, technical thinking

Чизмачиликнинг асосий масаласи ўқувчиларни ҳар томонлама онгли равишда ривожлантиришга қаратилади, техникавий фикрлашга олиб келади, фазовий тасаввурини, табиатни илмий ўрганишга ва уни техникавий кўргазмалар орқали қабул қилишга, графикавий масалаларни жараёнларини тушуниб етишга ёрдам беради. Техникавий жараёнларда қўлланиладиган графикавий кўринишларнинг кенг тарқалган услублари ва шартли белгиларини ўргатади. Техник чизмаларни, эскизларни, кўргазмали ва схематик кўринишларини ўқишини ва бажаришни ўргатади.

Ўқитишида ўқувчи шахсининг бунёдкорлик хусусиятини ривожлантириш, изланиш орқали малакаларини оширишлари ва ихтиро қилишларини талаб қилинади. Чизмачиликни ўқитиши билан биргаликда қуидаги каби масалалар ҳам ҳал қилинади, унда, ўқувчининг меҳнатга муҳаббатини ошириб, юксак маданият эгаси қилиб тарбиялади. Чизмачилик ўқувчиларни амалий иш жараёнларида мустақил ишлаб чиқаришга тайёрлайди ва келажакда учрайдиган муаммоли масалаларни ўзлари ҳал қилишларига йўлланма беради.

Чизмачилик фанининг ўқув дастури фан ва техниканинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда тузилган. Чизмачиликнинг асосий вазифаси қилиб, чизмачиликнинг асбоблари ва улар орқали геометрик чизмаларнинг техникасини қўлга киритишгина эмас, балки унчалик қийин бўлмаган техникавий деталларнинг чизмалари ва уларни ўқишини ҳам кўзда тутилган.

Чизмани ўқишини билиш чизмачилик дарсининг биринчи мақсади бўлиши керак. Чизмачилик нафақат муҳандислик масалаларни ҳал қилибгина қолмай, балки ҳар томонлама билимини кучайтиради. Чизмаларнинг тузилиши ва чизилишини ўргатиш орқали ўқувчиларнинг графикавий тайёргарлиги орттирилади.

Ўқитиши методларини такомиллаштириш ва педагогик жараённинг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини аниқлаш билан боғлиқ бу вазифаларни амалга оширишда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларда графикавий фаолиятнинг рационал усулларини таркиб топтириш муҳим ўрин тутади.

Булар албатта, ўқитувчидан катта педагогик маҳорат талаб қиласди. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини уларнинг янги иш шаклларига жалб қилиш орқали, таълимнинг энг самарали методик усулларини аниқлаш ва уларни амалда синаб кўриш орқали ошириш мумкин.

Замонавий педагогик технологиялар, ахборот комуникацион технологиялар ўқитишининг янги шакл ва методларини ишлаб чиқиш учун кенг имконият яратади. Бугунги

кунда фақатгина маърузага асосланган анъанавий дарслар самарадорлиги етарли даражада эмас. Ҳозирги замонавий технологиялар жадал ривожланиб бораётган бир даврда ўтилаётган ҳар бир дарс қизиқарли бўлмаса, ўқувчи этиборини билимга жалб этиш қийин. Бунинг учун ўқитувчи тинмай изланиши, ижодкор бўлиши зарур. Бундай ҳолда, айниқса дарсни қизиқарли масалаларга асосланиб ўтиш яхши самара беради. Қизиқарли масалалар ўтилиши режалаштирилган дарс асосидан келиб чиқиб танлангани маъқул. Ўқувчи ёшлар ўртасида биринчи бўлишга ундаш методи доимо ўзини оқлаб келган. Чунки уқувчилар бу ёшда психолигик томондан ҳамиша ўзини кўрсаткиси, тенгдошлари орасида биринчи бўлишни хоҳлади.

Чизмачилик дарсларида бундай қизиқарли масалалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда мухим роль ўйнайди.

Кузатишлардан маълум бўлишича, ўқитувчилар чизмачиликнинг графика соҳасига жиддий қараб, чизмани ўқишига кам эътибор бермоқдалар. Шунга кўра чизмачилик дарсларининг тўртдан уч қисми график ишларни бажариш билан ўтади. Психологик тадқиқотлардан аёнки, ҳадеб бир хил ишни бажариш инсоннинг миясига салбий таъсир қиласи ва қарчашни келтириб чиқаради.


Масалан “проекцион чизмачилик” мавзуларини ўтишда ўқитувчи мавзуни доскада ёритиб бориш жараёнида, мавзуга оид янги терминларни кўп ишлатади, бу эса бир вақтни ўзида ўқувчиларга янги терминларни моҳиятини англаб олиши ва доскада тасвирланаётган чизмаларни тасавур қилиб олишида анча ноқулайликлар туғдиради. Бунинг натижасида эса ўқувчиларда мавзуга бўлган қизиқиши пасайиб боради ва мавзуга тушунмаслик бошлайди. Бунинг оқибатида эса ўқувчи фикри чалғибди, бу эса дарснинг сифатига салбий таъсир кўрсата бошлайди. Маълумки, чизмачилик ўсмирлик ёшларда ўқитилади ва бу ёшдаги болалар ўйиннинг мазасини тушунган бўлади. Шунинг учун дарсларда тинч ўтириб чизмаларни чизишга сабр-тоқат қила олмайдилар, тезда толиқа бошлайдилар. Ўқувчиларнинг юқоридаги хусусиятларини ўрганиб, чизмачилик дарсларида ўйин элементлари, қизиқарли масалалардан фойдаланишни лозим топдик. Ўқитувчи ўқувчиларнинг зерикканини сезиши билан 5-10 дақиқалик ўйин ўтказиш ёки қизиқарли масалалардан фойдаланиши керак. Шунингдек ўқитувчи синфдаги барча ўқувчилар диққатини қисқа муддатли ўйинга, қизиқарли масалага жалб қила билиши зарур. Қизиқарли масала ёки қисқагина ўйинда ҳамма ўқувчилар қатнаша олмайдилар, яъни масала шартларига жавоб беришга улгура олмайдилар, албатта. Лекин, улардаги биринчиликка интилиши ва рағбат олишга бўлган туйғуси, фикрлашга интилишлари уларнинг бутун ҳис-туйғуларин ишга солади. Дарснинг қизиқарли, жонли ва самарали ўтиши кўпроқ ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Энди юқоридаги фикрлар асосида биз ўқувчиларни чизмачилик курсида олган билимларини текшириш ва мустаҳкамлашга оид қизиқарли масала ва ўйинларни тушунтириб ўтсак. Кўринишлар мавзусини ўтишда ўқитувчи берилган моделнинг кўринишларни V, H, W проекциялар текисликлари проекцияланишини доскада анъанавий усул ёрдамида, кўргазмали қуроллар ёки слайдлардан фойдаланиб кўрсатиб беради.



Шу билан бирга ўқувчиларни мавзууни қанчалик ўзлаштирганлигини текшириб бориш имкониятига эга бўлади. Бунда ўқитувчи қизиқарли топшириқ вароқчасидан фойдаланиши мумкин.

Қизиқарли топшириқ вароқчаси масалалари ҳар хил бўлиши керак. Қизиқарли топшириқ вароқчаси масалаларида чизма элементлари ҳар хил бўлиши ўқувчиларни фикирлашга ундейди.



Қизиқарли топшириқ вароқчаси масалаларида ҳар хил яққол тасвирларда ҳарфлар ёзилган бўлиб, ёнида эса унинг проекциялари сонлар билан бирга жадвал берилган. Яққол тасвирларга қараб унинг проекциялари топилади. Вақтни тежаш учун қизиқарли топшириқ вароқчаси масалаларида ўқувчилар яққол тасвирни тахлил қилиб ўзлари тўғри деб топган жавобни жадвалга белгилайдилар.

Бундай масалаларни кўплаб тузиш мумкин бунинг учун ўқитувчи турли хилдаги яққол тасвирлардан фойдаланиши керак бўлади. Шу билан бирга қизиқарли топшириқ вароқчаси масалаларини соддадан мураккабликка қараб тузиш ҳам мумкин. Бунинг натижасида эса ўқитувчи ўқувчиларни билиш фаоллигини оширишга ва уларнинг қисқа вақт ичida билимини назорат қилиб боришга эришади.

**“Лото” ўйини.** Ўйиннинг шарти: Номлари айтилган чизмаларни дарров топиш ва уларнинг устини қофоз билан ёпиш. Ўйинниг мақсади: Ўқувчилар чорақ, ярим ва бутун ўқув йили мобайнида чизмачилик дарслари бўйича олган билимларини текшириш ва мустаҳкамлаш. Жиҳозлар: Ҳақиқий лото ўйинидаги каби карточкалар тайёрлаб, уларнинг катакларига рақамлар эмас, балки, турли чизмалар чизилади. Карточкаларнинг қаторларида бўш катаклар қолдирилмайди. Уч қаторда бештадан катаклар бўлади. Халтачага чизмалар номини ёзиб солиш ва катаклардаги чизмаларнинг устини ёпиш учун маҳсус қофозлар. Буларнинг картонга ёпиштирилиши янада яхши. Ўйиннинг бориши: Ўйин бошланишидан олдин ўқувчилардан команда тузилади. Ўйин қатнашчиларининг ҳар бири учтагача карточка олиши мумкин. Бошловчи қопчадан битта қофозчани олиб, ундаги ёзувни номини ўқийди. Шу чизма қайси ўйинчининг карточкасида бўлса, ўша чизмани қофўзча билан ёпиб қўяди. Ўйин шу тартибда давом этади. Ўйинда ўз карточкасидаги бир қатор катакларни тўла ёпган ўқувчи ғолиб бўлади. Лото ўйини карточкаларини тайёрлаш учун ўқитувчи чорақ мобайнида ўтилган мавзулар бўйича саволлар тузади.

Ўйин ҳолатларини янги мавзууни тушунтириш жараёнида, ўтилган мавзууни мустаҳкамлашда, ўқувчилар билимини текшириш учун фойдаланиш ҳам яхши натижা беради.

### Фойданилган адабиётлар

1. Э.Фозиев. Психология. Т., “Ўқитувчи” 1994.
2. А.Умронхўжаев. “Техникавий графика асослари”. Т., “Ўқитувчи” 1994.
3. И. Рахмонов. “Чизмачиликdan дидактик ўйинлар”. Т., “Ўқитувчи” 1994.
4. А.Аминов “ Проекцион чизмачилик мавзуларидан қизиқарли масалалар тузиш”. Т. “ТДПУ” 2015.